



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М И

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 74 (11.635)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



Саноат

БОЗОР ТАЛАБЛАРИГА МОС

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган бозор талабларига мос маҳсулотлар ички бозорда харидорини топибгина қолмай, балки хорижлик буюртмачиларни ҳам жалб этмоқда. Бу эса экспортни йўлга қўйишда, янги-янги лойиҳалар устида изланишлар олиб боришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қўл келмоқда.

Рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлашда, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожига хорижий ҳамкорликдаги корхоналарнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта.

Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Spenteh Toshkent Tootera» хорижий корхонасида асосан ёшлар меҳнат қилади. Ҳиндистоннинг «Spenteh Industries LTD» компаниясининг тўғридан-тўғри инвестициялари асосида иш бошланган мазкур корхонада маҳаллий хом ашё — пахта қайта ишлаш орқали турли хил калава иплар тайёрлаш йўлга қўйилган. Энг асосийси эса халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган бундай маҳсулотларнинг 90 фоиздан ортиги четга экспорт қилинаётганидир. Бу, албатта, иш жараёнида сифатнинг қатъий назоратда эканлигидан далolat беради. Маркетинг ишлари ҳам йўлга қўйилиб, мунтазам равишда ички ва ташқи бозор ўрганиб борилмоқда.

Малакали мутахассисларнинг изланишлари самара бериб, тайёрланаётган калава ип ҳамда пишиқ матолар турлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Ушбу товарларга Россия, Туркия, Буюк Британия, Чехия, Украина, Португалия, Исроил сингари ўнлаб мамлакатлардан буюртмалар ортмоқда. Бу эса экспорт ҳажми

кўпайишига муҳим омил бўлмоқда.

Корхонада кун сайин ўсиб бораётган харидор талабини қондириш мақсадида мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмоқда. Асосий эътибор янги дастгоҳ ва ускуналар келтириб ўрнатишга, ишчи ўринларини кўпайтиришга, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилмоқда.

Иш унумини таъминлашда жамоага яратилган шарт-шароитлар, ижтимоий ҳимоя муҳим аҳамият касб этмоқда. Эътибордан руҳланган ҳар бир ишчи-хизматчи сидқидилдан ишлашга, муваффақиятларга салмоқли улуш қўшишга интилиши табиий. Моддий ва маънавий манфаатдорлик бор жойда, барака ҳам бўлади.

Жорий йилда экспорт ҳажмини ошириш кўзда тутилган. Ҳозирда ана шу ниятга яраша саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Албатта, янги маҳсулот турлари ҳам ишлаб чиқаришга жорий этилиб, харидорини топади.

**Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: сифатли калава иплар харидорини топишда малакали мутахассисларнинг ҳиссалари салмоқли.
Ҳакимжон Солиҳов
олган сурат**

Илгари хабар қилинганидек, 2010 йил 16 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йил биринчи чорагидаги якунлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан республика ҳукуматининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Мажлисида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари, макроиқтисодий мувозанатлиликни, иқтисодиётни юксалтиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларининг, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури тадбирларининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий таъсирининг олдини олиш, балки макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари ҳам таъминланмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида янги ички маҳсулотнинг ўсиши 7,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоиз-

га, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,1 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,2 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 20,1 фоизга кўпайди. Давлат бюджети янги ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Экспорт салоҳиятини ошириш ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини янги ташқи бозорларга чиқариш юзасидан амалга оширилатган тизимли ишлар экспорт ҳажмларининг 22,1 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмаси бўйича салмоқли ижобий салдога эришишни таъминлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 2,6 баравар кўп ўзлаштирилди. Техник жиҳатдан модернизациялаш бўйича 29 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, 118 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

(Давоми 2-бетда).

Сўз — конференция иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН БОШҚА МАМЛАКАТЛАР ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда 12 апрель кунини «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон нисолида)» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Александр ГАПОНЕНКО, Европа тадқиқотлари институти президенти, иқтисод фанлари доктори (Латвия):

— Ўзбекистонга биринчи келишим. Юксак савияда ташкил этилган ушбу конференцияда мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилатган кенг қўламадаги ишлар билан танишдим. Мазкур анжуман, шунингдек, Ўзбекистоннинг аксил-инқироз дастури билан яқиндан танишиш, бу борада турли мамлакатларнинг етакчи экспертлари, олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр ва таҳриба алмашиш имконини берди.

Шуни алоҳида эътироф этишни истардимки, Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатни янада модернизация қилиш ва янгилаш бўйича кенг қамровли ислохотларни чуқурлаштиришга доир катта таҳрибаси кўплаб давлатлар учун барқарор ривожланиш намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида пухта ишлаб чиқилган ушбу дастур Ўзбекистонда юксак самаралар бермоқда: иқтисодиётнинг барча соҳалари, хусусан, саноат тармоқлари маҳсулотларига бўлган талаб ошиб, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Ўзбекистон стоматологлари уюшмасининг VI съезди бўлиб ўтди. Ушбу илмий-амалий анжуманда мамлакатимиздаги ва хориждан келган таниқли олимлар ва шифокорлар иштирок этди.

• Жиззах шаҳрида ўтказилган «Энг намунали ҳарбий оила» анъанавий кўриктанловида Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд гарнизонлари қисмларида голиб бўлган етти ҳарбий оила иштирок этди.

• Урганч шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Урганч олимпия заҳиралари спорт коллежи, Урганч тиббиёт коллежи ҳамда Урганч ахборот технологиялари коллежи жамоалари ўзаро куч синашди.

• Қарши шаҳридаги Қашқадарё вилоят 2-иختисослаштирилган мактаб-интернатда республика Халқ таълими вазирлиги томонидан «Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида яратилган шароитлардан оқилона ва самарали фойдаланган ҳолда таълим-тарбия сифатини янги босқичга кўтаришда раҳбар кадрларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини ошириш» мавзусида худудий ўқув-семинар ўтказилди.

• Наманганда таълим муассасалари ходимлари ўртасида «Ўзбекистон, сени қуйлайман» санъат фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Баркамол авлод йиллига бағишлаб ўтказилган мазкур танловда 330 нафар ҳаваскор қатнашди.

• Жиззах вилоятлик тадбиркор аёллар гуруҳи бизнес бўйича ҳамкасабаларининг фаолиятини ўрганиб, таҳрибалари билан танишиш мақсадида Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларига сафар қилди.

• Термиз шаҳрида 12-Меҳрибонлик уйининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотнинг қисқа муддатларда қад ростлаши учун 1 миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

• Асака автомобиль-қурилиш коллежи негизида янги касб кўникмалари минтақавий маркази очилди.

• Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Қўмагай қишлоғида «Андижондон» акциядорлик жамиятининг қолипни нон пишириш корхонаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда Германиядан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида бир кеча-кундузда 1,5 тоннагача ширмой нон тайёрланмоқда. Корхонанинг иш бошлаши билан 20 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

ЖАҲОНДА

• Исландия жанубидаги Эйфяллайкюл музлигида жойлашган вулқоннинг кетма-кет отилиши натижасида бутун Европа қитъаси бўйлаб тўрт кундан буён самолёт парвозлари тўхтатилди. Гап шундаки, вулқон кули натижасида ҳосил бўлган булутлар самолёт двигателларига зарар етказиши айтилмоқда. Ҳозирда ушбу вулқондан бир кеча-кундузда 4 минг тоннага яқин қул, тош ва газ чиқмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, вулқоннинг отилиши яна бир неча ҳафта давом этади.

• Мальтага ташриф буюрган Рим папаси Бенедикт XVI кеча ўз сафарини якунлаб, Римга қайтиб келди.

• Туркиянинг таълим ва оқим Шимолий Кипр ўлкасида президент сайловлари бўлиб ўтди. Унда амалдаги бош вазир Дарвиш Эроғлу энг кўп овоз тўплагани ҳолда голиб чиқди.

• Кеча авиация ҳалокатида ҳаётдан кўз юмган Польша президенти Лех Качински рафиқаси билан бирга Краковдаги Вавел қироллар дафнгоҳига дафн этилди.

• Журналистика ва бадий адабиёт соҳаларининг номдор муқофотларидан бири — Пулитцер совринининг наватдаги соҳиблари Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган тадбирда аниқланди.

• АҚШда машҳур киноюлдуз Мерилин Монрога тегишли шахсий буюмлар ўрин олган ким ошди савдоси бўлиб ўтмоқда. Қизиги шундаки, савдодан актрисанинг 1954 йилда олинган рентген сурати ва ёғоч чангилари ҳам ўрин олган.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида «Парламент фаолиятида сиёсий партиялар ролини кучайтириш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Фотосуратлар уйида «Мардлар кўриқлайди Ватани» мавзусида тайёрланган фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Киночи-лар уйида «Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари томонидан яратилган «Нариги соҳилда қолган болалик» фильми премьераси намойиш этилди.

✓ **ТОШКЕНТ** мусиқа-педагогика коллежида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Шунқорлар» мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

(Давоми. Боши 1-бетда).
Наталья ЗАХАРОВА, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) бош сиймаси маслаҳатчиси:
 — Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг барча мамлакатлари, энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига ҳам қатъи зарар етказди. Давом этаётган бундай мураккаб шароитда "Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самардорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мав-

қилиш, харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида ўрғана арийдиган жиҳатлар кўп.
 Мамлакатингизда, айниқса, қишлоқ хўжалиги, геология ва минерал ресурслар, дизайн ва интерьер, қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш каби соҳалар муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзбекистонда мавжуд иқтисодий ва сийсий барқарорлик, тинчлик ва оқойишалик хориқликлар эътиборини тобора оширмоқда. Ўзбекистонга бир марта

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кун тартибидagi масалаларни муҳома қилиш жараёнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайишини таъминлайдиган стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича ишларнинг самардорлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. 2010 йилда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир 418 та лойиҳа бўйича объектларнинг фойдаланишга топширилиши мўлжалланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдирish чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш масалалари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларига берилган солиқ ва боғжона имтиёзлари ҳамда преференциялари, тижорат банклари томонидан иқтисодийнинг реал соҳасига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг ўсиши тўғрисида жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, шу жумладан, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоизга кўпайди.

Мажлисида муҳома қилиш давомида «Ўзбекнеғасаноат» давлат-акциядорлик компанияси раҳбарлари фаолиятига таъкидий баҳо берилиб, улар зиммасига республика энг саноатини янада ривожлантириш, шу жумладан, сифатли рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, экспорт асортиментини кенгайтириш, янги истикболли бозорларни излаш, тармоққа тўғриватган-тўғри инвестицияларни ва замонавий технологияларни жалб этиш бўйича вазифалар қўйилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда шу билан боғлиқ бўлган аҳоли даромадларини кўпайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш муаммоларини ҳал этиш энг муҳим ва асосий вазифалар жумласидандир. Шу муносабат билан мажлисида Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши муфассал таҳлил қилинди.
 Қайд этиб ўтилдики, тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йил бошидан буён республикада 215,4 мингта янги иш ўрни ташкил этилди, шундан 150,1 мингтадан кўпроги эки қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Касаначиликни ва халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида қўшимча равишда 53,1 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади.

Муҳома давомида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд заҳираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Касаначиликни, энг аввало, саноат қорғонлари билан кооперациялашув асосида ривожлантириш, жорий йилнинг биринчи чорагида 135,4 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини янада кўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлисида мамлакатимизда соғлом, барқамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган «Барқамол авлод йили» Давлат дастури тадбирларининг амалга оширилиши муҳомаасига алоҳида эътибор қаратилди.
 Жорий йилнинг биринчи чорагида Давлат дастури тадбирларини амалга оширишга 1,4 триллион сўм ва 25,4 миллион АҚШ доллари йўналтирилди.

Оналарнинг репродуктив саноатлигини ва болаларни ҳимоя қилишни янада яхшилаш, устувор равишда профилактикавий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соғлом авлодни шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар қўрилмоқда.
 Таълим муассасалари ва болалар спорт объектларининг

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётни такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.
 Ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, шу жумладан, 1551 та мактабни компьютер техникаси билан, шунингдек, қишлоқ жойлардаги 316 та мактабни ўқув-лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ёшлар учун 106,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларнинг турар-жой шартини яхшилаш мақсадида уларга 23,8 млрд.сўм микдоридagi имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавий тарбия маркази раҳбарларининг эътибори қатъий маънавий-ахлоқий эътиқодга ва уйғун дунёқарашига эга бўлган, четдан бўладиган ғоявий ва маънавий таҳдидларга, турли иллатларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга доир ишларни янада кучайтириш муҳимлиги қаратилди.

Шу билан бир қаторда, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига Давлат дастурида назарда тутилган ҳар бир тадбирнинг амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан аниқ вазифалар юқланди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва республикадаги йирик қорғонлар ҳамда вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлиси кун тартибига киритилган масалаларни муҳома қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, уларда 2010 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.
 (Ў.А)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН БОШҚА МАМЛАКАТЛАР ИБРАТ ОЛСА АРСИЙДИ

зуидаги халқаро илмий-амалий конференция жуда долзарб аҳамият касб этди. Бойси, глобал иқтисодий инқироз таъсирдан деярли зивён кўрмаган Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш йўли — тажрибаси бошқа мамлакатлар учун ўрнак бўлишига лойиқ.
 Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури инқирозга бўлган даврдаги самарали иқтисодий сийсбат, инқироз оқибатлари таъсирини юмшатиш, реал сектор тармоқлари ва иқтисодий соҳани уйғунлиқда ривожлантиришга қаратилган изчил ишловларни қамраб олгани тўғрисида ҳам жуда самаралидир. Изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистон иқтисодиётига сарможа жалб этиш қўламларини кенгайтиришда муҳим омили бўлмоқда. Улкан салоҳиятга эга Ўзбекистоннинг чуқур ва пухта ўйланган стратегияси бошқа мамлакатлар учун ҳам жуда фойдаландир.

Ўзбекистонда иқтисодий инфратузилмани жадал ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги ишлар бераётган самаралар ҳам юксак эътирофга лойиқ.
 Тошкентда ўтказилган мазкур конференция иқтисодий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, кенг қўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофига сазовор бўлганининг яна бир далилидир.

Елена ПОНОМАРЕВА, Латвия Савдо-саноат палатасининг ташқи алоқалар департаменти директори:
 — Ўзбекистон халқининг, айниқса, ёшларининг юксак маданияти, улкан интеллектуал салоҳияти ва саводдонлиги менда катта таассурот қолдирди. Юртингизда хорижий инвесторлар учун ўзаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасида барча зарур шартно яратилган. Латвиялик ишбилармонларнинг бу ерга келиб, мамлакатингизда истикболли хамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришини жуда истардим.

Ўзбекистонда иқтисодиётни, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг молиявий барқарорлигини кўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, диверсификация

келган киши яна қайта-қайта келишни жуда истайди.

Алан ФРАНС, Тошкент Халқаро Вестминстер университети ректорининг ўринбосари:
 — Конференция Ўзбекистонда глобал иқтисодий инқироз таҳдидларига қарши туришга қаратилган чора-тадбирлар самаралари, инқироздан кейинги даврда ривожланишнинг устувор йўналишлари билан танишиш ва тажриба алмашиш имконини берди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун муҳим амалий қўланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Жаҳонда иқтисодий кўрсаткичларнинг муттасил пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ривожланаётгани, экспорт кўрсаткичлари ошаётгани, хорижий инвесторлар кенг жалб этилаётгани диққатга сазовор.

Ўзбекистонда ёш авлодга пухта билим бериш баробарида, барча соҳалар учун малакали мутахассислар тайёрлашга катта эътибор қаратилаётганини ҳам алоҳида таъкидлашнинг истардим. Таълим тизимини амалга оширилаётган ислохотлар узлуксизлиги ва бошқичма-бошқичлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Фредерик ЖАУТЦ, Жорж Вашингтон номидаги университетнинг Прогнозлаш бўйича тадқиқотлар дастури раҳбари, профессор (АҚШ):

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, глобал инқироз салбий оқибатларининг ўз вақтида олдини олиш мақсадида қабул қилинган ва халқ қаровончилигини янада оширишда муҳим омили бўлаётган комплекс чора-тадбирлар хорижда кенг эътироф этилган. Конференция давомида Ўзбекистоннинг инқироз оқибатларини бартараф этишда кўплаб давлатлар орасида энг яхши натижаларга эришганига амин бўлдим. Мамлакатингиз глобал молиявий-иқтисодий бўҳроннинг салбий таъсирини самарали бартараф этишда кўплаб давлатлар учун ўрнак бўлаётди.

Ў.А муҳбирлари Мадина УМАРОВА, Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: СИНАЛГАН ДЎСТ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро муносабатлар сўнгги йилларда барча соҳа ва йўналишларда тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорлик муносабатлари халқларимиз ўртасидаги тарихий алоқалар ва анъанавий дўстлик ришталарига асосланади.

Икки мамлакат ўртасидаги олий ва юқори даражадаги мунтазам ўрашувлар Ўзбекистон-Россия муносабатларининг бугунги суръатини яққол ифода қилади. Ҳукуматлар, парламентлар ва идоралараро мулоқотлар ва ишбилармон доира вакиллари форумлари анъанавий характер касб этган. Тенг ҳуқуқликка асосланган кўпқиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, иқтисодий-сийсий, илмий ва маданий йўналишларда икки томонлама тажриба алмашув самарали давом этаётди.
 Ўзбекистон — Россия муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 270 дан зиёд икки томонлама ҳужжатлар ташкил этади. Давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги, Стратегик шериклик тўғрисидаги, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик дастури шулар жумласидандир.

Икки томонлама муносабатларининг энг муҳим йўналиши бу иқтисодий соҳадаги ҳамкорликдир. Россия Ўзбекистоннинг йирик ташқи савдо ҳамкори саналади. Ўзбекистоннинг умумий ташқи товар айланмасининг бешдан бир қисми Россия хиссасига тўғри келади.

2009 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо-сотiq ҳажми 4,5 миллиард АҚШ доллари ташкил этди. Бу 2008 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 4,9 фоизга кўп демекдир. Экспортнинг асосий йўналишларини табиий газ (39,2 фоиз), мева-сабзавот ва қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотлари (22,9 фоиз), транспорт ва коммуникация хизматлари (13,8 фоиз), транспорт воситалари (10,3 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари (8,7 фоиз), электр ва механик асбоб-ускуналар (1,7 фоиз) ва бошқалар ташкил этди.

Импорт таркиби эса асосан қора ва рангли металл (32,8 фоиз), электр ва механик асбоб-ускуналар (21,0 фоиз), ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар (14,3 фоиз), хизматлар (5,6 фоиз), транспорт воситаларидан (4,4 фоиз) иборат бўлди.

Инвестицион ҳамкорлик, жумладан ёқилғи-энергетика комплексини кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириш, геология-қидирув ишларини биргаликда амалга ошириш, Ўзбекистон ҳудудидagi углеводород хомашсини ўлаштириш ва транспортроққа қилиш мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида устувор аҳамиятга эгадир. Республикада Россиянинг «Зарубежнефтьга» очик акциядорлик жамияти («Газпром» очик акциядорлик жамияти шўба корхонаси), «ЛУКОЙЛ» очик акциядорлик жамияти, «Союз-

нефтьгаз» давлатлараро нефть компанияси ва бошқа шу каби ташкилотлар муваффақиятли сармовий фаолият юритиб келаётди.
 Савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадал ривожига ёқилғи-энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, самолётсозлик ва темир йўл транспорт соҳаларида айниқса яққол кўзга ташланмоқда.

Айни вақтда мамлакатимизда Россия капиталли иштирокидаги 843 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг салкам ярми (353 корхона) сўнгги уч йил ичида ташкил этилган. Биргина 2009 йилнинг ўзида Ўзбекистонда Россия капиталли иштирокида 101 корхона иш бошлади ва уларнинг 84 таси қўшма корхона сифатида, 17 таси эса тўлалигича Россия капиталли асосида фаолият юритмоқда. Мазкур корхоналарнинг таъсис жамғармаларига Россия томонидан йўналтирилган сармовяларнинг умумий ҳажми 500 миллион АҚШ доллари данд зиёддир. Айни кўрсаткичлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар жадал суръатларда ривожланиб бораётганидан яна бир қарра далолат беради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Россиянинг 132 та фирма ва компаниялари ваколатхоналари аккредитациядан ўтган. Ўз навбатида, Россияда Ўзбекистон капиталли иштирокида 395 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти муҳим ўрин тутди. Мазкур Ҳукуматлараро комиссия икки томонлама иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгиллаш ва қабул қилинган қарорларнинг амалий ижросини таъминлаш борасида мувофиқлаштирувчи тузилма саналади. Ўзбекистон билан Россия иқтисодиётининг етакчи соҳаларидаги қорғонлар ўртасидаги ҳамкорлик самардорлигини таъминлашда икки мамлакат Ҳукуматлари томонидан имзоланган ва 2008-2012 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги ўн иккинчи мажлиси шу йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Мажлис чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни янада ривожлантириш истикболлари билан бир қаторда Марказий Осиёнинг транс-чегаравий сув-энергетика заҳираларидан рационал фойдаланиш борасида ўзаро уйғун сийсбат юритиш масаласи ҳам қўриб чиқилди.

тартибот органларининг яқин ҳамкорлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ҳам йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишдаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини Маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, шунингдек Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Россия Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган Маданий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги битим ташкил этади.

Ўзбекистон ва Россияда рус ва ўзбек диаспораларининг мавжудлиги ўзаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.
 Бугунги кунда мамлакатимизда 22 та вилоят ва шаҳар рус жамоат маданий-маърифий бирлашмаларидан таркиб топан Рус маданият маркази фаолият юритаётди. Республикадаги 769 та мактабда таълим рус тилида олиб борилади. Шунингдек, мамлакатимизнинг деярли барча олий ўқув юрлари, ўрта махсус ўқув муассасалари ва коллежаларда рус тили ўқитиладиган факультетлар мавжуд.

Тошкентда Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг («Росзарубежцентр») ваколатхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда (2009 йилнинг январь ойидан бошлаб ишбу марказнинг вазифалари МДХ ишлари, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ҳамда халқаро гуманитар ҳамкорлик (Россоотрудинчество) масалалари билан шуғулланувчи янги тузилган Федерал агентлик зиммасига ўтган).

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам самарали ривожланмоқда. Ўзбекистонда анча йилдан буён Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси филиали фаолият юритиб келмоқда. 2006 йил сентябрь ойида эса Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиали очилди. 2007 йилнинг 13 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори чиқди.

Ўзаро ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши бу туризм соҳасидир. 2009 йил кунда «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Россия сайёҳлик корпорацияси ўртасида Россияда Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги салоҳиятини тарғиб этиш ва Россиядан келаётган туристлар оқимини кўпайтириш тўғрисидаги Агентлик битими имзоланди. Қилишуга мувофиқ, Россия сайёҳлик оператори «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ишбу мамлакатдаги агенти этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Россия Федерациясига амалга оширилажак расмий таширифи икки давлат стратегик шериклик муносабатларини ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиб, халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилиши шўбҳасиздир.
 «Жаҳон» АА

Иқтисодиёт ЗАМОНАВИЙ ПОЙАБЗАЛЛАР

Табиий чарм хом ашёсидан тайёрланган пойабзаллар чидамлиги ва сифати билан ажралиб туради. Айниқса, уларнинг мавсумга мос бўлиши, тагчарми пишиқ-пухталиги харидорни жалб этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундай оёқ кийимларининг янги замонавий моделларини яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда «Ахгоп» хусусий корхонасида ҳам омилиқ билан ишланмоқда. Бу борада бозорни ўрғаниш асосида хорижий каталоглардан фойдаланган ҳолда эркаклар оёқ кийимларининг янги моделлари ишлаб чиқилмоқда.

— Жамоамизда айни пайтда беш нафар соҳа мутахассиси меҳнат қилаётган бўлса, — дейди корхона директори Ахрор Шермухамедов, — буюртмаларимиз кўпайгани сайин уларнинг сафини янада оширишни режалаштирганмиз. Мақсадимиз ички бозорни ҳар томонлама қулай, иқлим шароитимизга мос, чидамли, сифатли пойабзаллар билан таъминлашдир.

Бугунги кунга келиб корхона мутахассислари томонидан 10 хил моделдаги баҳорги ва ёғи оёқ кийимлари тайёрланиб, шартнома асосида савдо шох-бозорларига етказиб берилмоқда. Пойабзалларни тайёрлашда маҳаллий табиий чармдан фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнини сифатли амалга оширишда Россиядан келтирилган тикув дастгоҳлари қувватидан самарали фойдаланилмоқда. Моделер-дизайнерлар талаб ва тақлифлардан келиб чиққан ҳолда нафақат эркаклар, балки аёллар ва болалар оёқ кийимларининг моделларини яратиш устида ҳам ишланмоқда олиб бормоқда.

АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

Эл-юрт дастурхонини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётган, янгиликлар яратиш устида тинмай ишланаётган тадбиркорларимизнинг ҳиссаси салмоқли бўлиб, уларнинг меҳнатидан барча баҳраманд бўлмоқда.

Маҳаллий хом ашёларни қайта ишлаш асосида тайёрланаётган бундай маҳсулотларнинг сифати ҳамда қадоклини ҳам ўзига ҳоски, бу албатта бозор талабларидан келиб чиққан ҳолдаги ишланмишлар самарасидир. Тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бизнес ишларини йўлга қўйган, гўш маҳсулотларини қайта ишлаш аҳоли дастурхонини тўқин қилаётган «Makro Vit» хусусий корхонасида бугунги кунда 20 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Ўтган йилда 10 нафар ишчи билан фаолият бошлаган мазкур жамоанинг кенгайиши асосида ишлаб чиқарилаётган сифатли ва харидорнинг маҳсулотларнинг буюртмачилари сафи ортаётганидандир.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида банкдан молиявий кўмак олиниб, қорхона юксак унумли ускуналар билан жиҳозлашга муваффақ бўлинди. Бу эса маҳсулот турларини кўпайтиришда, қадоклашда самарали усуллардан фойдаланишда қўл келмоқда. Шўбҳасиз, бундай маҳсулотлар харидорга ҳам манзур бўлади.

Бугунги кунга келиб гўштини қайта ишлаш асосида турли хил қолбаса, сосиска маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йилда 100 миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткични 1,5 бараварга ошириш кўзда тутилган. Харид қилинган янги ускуналарни ишга тушириш натижасида эса Барқамол авлод йилида яна 10 нафар йигит-қиз иш ўрнига эга бўлади.

Ҳозирда корхона мутахассислари ишлаб чиқариш суръатини ошириш устида иш олиб боришмоқда. Йил охиригача яна бир янги ускуна келтириб ўрнатиш кўзда тутилган.

ПЛАСТИК ВА АЛЮМИН МАҲСУЛОТЛАРИ

Бугунги кунда бунёдкорлик ишларида замонавий қурилиш ашёлари — пластик ва алюмин эшик-ром, витражлардан самарали фойдаланилмоқдаки, бу қулай, чиройли, чидамли маҳсулотлар биноу иншоотлар кўркини оширмоқда.

«Ecoren-group» хусусий корхонасида пластик ва алюмин эшик-ром ҳамда витражлар, алюмин қопламалари ишлаб чиқарилмоқда. Хусусий корхонанинг кичик цехида айни кунда 6 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилиб, Туркия технология линияси асосида аҳоли ҳамда қурилиш ташкилотларининг буюртмалари бажариб берилмоқда.

— Асосий хом ашёни «АКфа» компаниясидан оламиз, — дейди корхона директори Хусниддин Нигматов. — Маҳсулотларимиз тури талабга қараб ортиб бормоқда, афзаллиги эса шундаки, йиғишда сифатига алоҳида эътибор қаратамиз. Мижозларнинг истақларига қўра, ўрнатиб ҳам берамиз. Кафолат муддатлари ҳам бор.

Ҳозирги кунда аҳолидан, бюджет, турли мулкчилик шаклидаги қурилиш ташкилотларидан кўплаб буюртмалар тушмоқда. Бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, махсус тайёргарликдан ўтган мутахассисларни ишга жалб этишни тақозо этади. Шу ўринда айтиш жоизки, харидор дид ва тақлифи асосида маҳсулотларнинг дизайни ўзгаририлиб, турли ранг-дизайнлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

Шарофат

МУМТОЗ НАВОЛАР ЯНГРАДИ

«Нуронийлар оромгоҳи» сиҳатгоҳида меҳнат фахрийлари, отахон ва онахонлар довланиб, хордиқ ҳам чиқармоқдалар.

Ушбу масканда дам олаётган кексаларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилади. Маънавий-маърифий тадбирлар, зиёратгоҳларга, театрларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Яқинда сиҳатгоҳда

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ташаббуси билан «Мумтоз наволар» давраси ташкил этилди. Тадбир давомида миллий мумтоз кўшиқлар ижрочилари устоз-шоғирдлар Жа-

ҳонгир Мирзаев ва Умид Эшонхўжаев ҳамда Рустам Расуловлар мақом наволари, халқ куйлари, лирик ва эстрада кўшиқларини ижро этиб, дам олувчиларнинг қалбига завқ-шавқ бахш этдилар. Оромгоҳ

бош шифокори ўринбосари Гулираёна Маҳмудова, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси шахар бўлими мутахассиси Талъат Азимов самимий тилак билдириб, ўз шеърлари билан йиғилганларни хушнуд этишти. Мумтоз наволар янграган ушбу кеча меҳр-оқибат, кўшиқ базмига айланиб кетди.

Тадбир якунида дам олувчилар оромгоҳ ва боғ маъмуриятига миннатдорчилик билдиришти.

(Ўз мухбиримиз)



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЯХШИЛИК УСТУН БЎЛУР

Англагил пандимни эй,
пиру жувон,
Қил муяссар ақлни,
бўл хурдадон.

Тамиз идроки жон гов,
харда бор,
Одамининг ўзга жони-ақли бор.

Балки фарқи ақлу жону одамий,
Афзалидур ҳар набиййу
ҳар валий.

Ақл иккидур, баён айлай ани,
Ақли жузвий, ақли
кулл дерлар ани.

Ушбу ақлар эрур эркак тиши,
Бириси некукор,
бирининг бад иши.

ТАН СИҲАТИ — ДИЛ СИҲАТИ

Эй биродар, тун-кун
ўлтур нафсни,
В-арна ҳар дам
ўлтурур нафсинг сани.

Санда то бу нафс
бор маҳрам эмас.
Ким ани ўлтурса
номаҳрам эмас.

Бадтарин чорпо ул одами,
Урмаса умрида
ишқдин бир дами.

Бўлса ким бу тўрт
сифатда устувор,
Бўлғай ул жаннатда
соҳиб ихтиёр.

Бу сифатларга
муҳолиф ул киши,
Тобмағай равнақ
анга равнақ иши.

Ул киши ҳамсуҳбати ҳамсоқдур,
Ул кишиларга баҳишт муштоқдур.

Бўлсаки суҳбат бу олам ичра тоқ,
Ҳам сағойир, ҳам кабоирдин йирок.

Сихҳати на тан гилни сихҳати,
Сихҳати дил сихҳати дил сихҳати.

(Давоми бор)

Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва
Мавжуда РАЙЗОҚОВА
тайёрлаган

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси фахрий журналист
Зухра Мухаммадҷоновна АЪЗАМХЎЖАЕВанинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Оғир атлетика

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУНОСИБ ҚАТНАШИШДИ

Илгари хабар берилганидек, «Ўзбекистон» спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

Чемпионат беллашувларида 33 мамлакат ёшлари галаба учун кураш олиб боришти. Турнирда бизнинг спортчиларимизга Хитой, Ҳиндистон, Ироқ, Қозоғистон ва Жанубий Кореянинг спортчилари асосий рақобатчи бўлди.

Спортчиларимизнинг чемпионатдаги натижаларига тўхталадиган бўлсак, 69 килограмм вазнда Шерзод Рўзमतов даст кўтариш машқида кичик олтин нишонни қўлга киритди, силтаб кўтаришда умумий ҳисобда иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Спорт усталигига номзод Жаҳонгир Зиннатов 95 килограммлик вазнда икки кураш натижасига кўра бронза нишонининг соҳиби бўлди.

Қизларимиз ҳам қитъа


чемпионатида яхши натижаларга эришти. Айниқса 75 килограммдан юқори вазнда жуда қизғин кураш кечди. Икки нафар ўзбекистонлик ва битта хитойлик спортчи кескин ва мурасасиз баҳс юритишти. Охир-оқибатда хитойлик Фенг Хонг хурмат шохуспасининг энг юқори поғонасини забт этди. Юртдошларимиз Ганна Пивоварова ва Дилфараз

Кандагаровага кумуш ва бронза нишонларни а с и б

этди. Яна бир етакчи спортчимиз Марина Сисоева учинчи ўринни қўлга киритди.

Чемпионатнинг барча голиб ва совриндорларига медаллар, дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)



Триатлон

ЖАҲОН КУБОГИДА ҚАТНАШИШАДИ

Таиланд ва Сингапур мамлакатларида триатлон бўйича уюштирилган Осиё кубоги мусобақаси ҳамюртларимизга муваффақият келтирди.

Таиландда ўтказилган дастлабки босқичда Жаҳонгир Юнусов ва Дийёр Абдуминовлар учинчи ўринни эгаллашган бўлса, Сингапурда ташкиллаштирилган мусобақадар ҳам икки спортчимизга олтин медаллар насиб этди. Сингапурда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган яна бир вакилимиз Шохруҳ Юнусов бронза

медали билан тақдирланди.

Қитъамизнинг 20 та давлати спортчилари иштирок этган ушбу нуфузли турнирдан ёруғ юз билан қайтган ҳамюртларимиз энди май ойда ўтадиган Осиё чемпионати ва жаҳон кубоги мусобақаларида иштирок этади.

(Ўз мухбиримиз)

Хабарингиз борми?

ШАҲРИМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА ДЕЛЬФИНЛАР ШОУСИ

Тошкент Давлат циркида дельфинлар шоу-аттракционни бошланди. Айтиш жоизки, мазкур кўнгилочар тадбир илк мартаба ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан матбуот конференцияси уюштирилди.

Ёзги таътил вақти тобора яқинлашиб келаётган айни кунларда ушбу шоу-дастури мактаб ўқувчилари, мактабгача тарбия муассасаларида камол топаётган болаларимиз учун ўзига хос тухфа бўлиши, шубҳасиз.

Матбуот анжуманида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, Россиядан олиб келинган «Деель» ва «Вейн» лақабли иккита оқ дельфин ўзининг инсон билан тез чиқиша олиши, мураббий томонидан берилган кўрсатмаларни (сувда умбалок ошиш, мўйқаламни тишлаган ҳолда оқ қоғозга шакл чизиш, копток ўйнаш) аниқ бажариши билан денгиз жониворлари орасида ажралиб туради. Цирк саҳнида дельфинлар учун махсус муҳит яратилган. Сув билан тўлдирилган ҳовуз дельфинларнинг озикланиши, ўзини эр-

кин ҳис этиши, кўнгилочар томошаларни аниқ баъариши учун ҳар томонлама қулай.

Агар маълумотларга таянадиган бўлсак, дельфинлар тилши китлар туркумига мансуб сут эмизувчилар гуруҳига кириди. Дельфинларнинг узунлиги 1,5-3 метрдан ошмайди. Жанубий Америка, Жанубий Осиё сувларида учрайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, дельфинларнинг 50 дан ортиқ тури маълум. Тошкент циркига келтирилган оқ дельфинлар ва афалина турига мансуб денгиз жониворлари деярли барча уммонларда мавжуд. Халқаро ҳамжамият уларнинг ноёблиги, қирилиб кетишининг олдини олиш учун ов қилишни тақиқлаган.

Эслатиб ўтамай, «Дельфинлар шоуси» Тошкент циркида бир ой давомида болажонларимиз қалбига қувонч улашади.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошлангич баҳоси охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Чилонзор тумани СИБ томонидан, 03.10.2008 йилдаги ЖСХ-1-465-08-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар Чилонзор т. 19-мавзе «Утюр х/к» савдо ташкилоти ховлисида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Нексия» русумли, д/р М 55-67 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 12 355 881 сўм. 2. «SUZUKI FORENZA» русумли, д/р М 69-09 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 21 424 512 сўм.

М.Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, 1. «NISSAN ALMERA» русумли, д/р D439PXM бўлган, 1996 йилда и/ч, Тошкент ш. Божхона бошқармаси жарима майдончасида сақланаётган, автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.09.08Й, №1-712-08). Бошлангич баҳоси – 9 425 700 сўм. 2. Тошкент ш., М.Улуғбек т. Гёте кўчаси, 52-уйда (Тошкент вилояти ИИББ ИХББ биноси) сақланаётган, «Daewoo Tico» русумли, д/р A532BXN бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 15.01.2009 й, №38). Бошлангич баҳоси – 3 512 424 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 11 май куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон Ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақаминга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkb.uz

Диққат!

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилади. Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига кўра бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин.

Республика кўп тармоқли Агрисаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан 12.02.2009 йилдаги № 2944/2-сон ижро ҳужжатига асосан И.М.Ярматовга тегишли бўлган ер майдони 510,569 кв.м., дан иборат бўлган Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқабуллов қ.ф.й., Марказий кўчасида жойлашган 269-уй турар жой (ховли) қўйилмоқда, бошлангич нархи – 40 310 262 сўм. 1. Аукцион савдосига Юнусов тумани СИБ томонидан № 10241-42-сон ижро ҳужжатига асосан «Актив Инвест» кредитний союз корхонасида сақланаётган 2005 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 30 V 8583 бўлган «Нексия Донс» русумли автотранспорт қўйилмоқда, бошлангич нархи – 10 000 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 25.12.2009 йилдаги № 1-1159-2009-сон ижро варақасига асосан Шайхонтоҳур тумани судининг ховлисида сақланаётган 1999 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 01 W 399 AA бўлган «Тикхо» русумли автотранспорт қўйилмоқда, бошлангич нархи – 7 942 728 сўм. 2. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 20.02.2009 йилдаги № 1744/22-сон ижро ҳужжатига асосан «Инвест» жарима майдончасида сақланаётган 1989 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. N 212 NTM бўлган «АУДИ-80» русумли автотранспорт қўйилмоқда, бошлангич нархи – 7 307 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 17.10.2009 йилдаги № 1-681-07-сон ижро варақасига асосан Мирзо Улуғбек тумани суди биноси ичиде сақланаётган 2005 йилда ишлаб

чиқарилган дав. бел. 30 Y 84 30 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт қўйилмоқда, бошлангич нархи – 3 000 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Тошкент тумани СИБ томонидан 16.12.2009 йилдаги № 3647-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Кўктерек матбуот инвест» ошборхонасида сақланаётган 1988 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 11 P 1935, бўлган «Уаз-31512» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошлангич нархи – 800 000 сўм. 2. Тошкент тумани СИБ томонидан 10.12.2009 йилдаги № 5-692/2009-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Шамситдин Раҳмон Бизнес» ошборхонасида сақланаётган 1980 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 01 Q 432 BA бўлган «Газ-24» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошлангич нархи – 1 922 896 сўм. 1. Аукцион савдосига Янгийўл шаҳар СИБ томонидан 09.02.2010 йилдаги № 1-509-сон ижро варақасига асосан «Утқир» ХИЧФа қарашли жарима майдончасида сақланаётган 2005 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 11X 0608 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошлангич нархи – 8 830 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Бўка тумани СИБ томонидан 14.04.2008 йилдаги № 11-0807/1710-сон ижро варақасига асосан МЧЖ «Калифат» корхонасига тегишли бўлган 1,4 га ер майдониде жойлашган қурилиш майдони 1217,20 кв.м. дан иборат бўлган Тошкент вилояти, Бўка тумани, Бўка шаҳри, Ҳамза кўчасида жойлашган ошборхона биноси ва пахта тозалаш линияси комплекс ҳолда қўйилмоқда, бошлангич нархи – 67 030 350 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 20 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари 2010 йил 20 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 8 июнь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали ҳисоб рақамига 20208000704632976001, ТИФ Миллий банк С.Раҳимов бўлими, МФО 00876, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: DB 001 №000003

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3973 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5



Бош муҳаррир
Акmal АКРОМОВ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ